

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (11.378)

Баҳоси эркин нархда

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

#### Кичик бизнес

## ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

### Киска сатрларда

● **МИРЗО** Улуғбек туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабгача таълим муассасаларида болага тарбия беришнинг самарали усуллари бағишлаб ўтказилган ўқув семинарида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглар иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Марказий банки ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликларида шахримизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда банкларнинг иштироки» мавзусида уюштирилган матбуот анжуманида банк соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар иштирок этишди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Хончорбол» маҳалласида маҳалла фуқарolari, кам таъминланган oilalar аъзолари ва ёшлар иштирокида яшариш, янгиликлар айёми Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбир «Уш келдинг, Наврўз» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетиде талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «Одам савдосига қарши кураш — инсон ҳуқуқларининг муҳим омили» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСИЙ БОР. УШБУ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИКИ, БУ ТАДБИРКОРЛАР САФИ ОШИШИДА, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИ, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА.**

Тадбиркорлик субъектлари кўпайиши натижасида кўшимча ишчи ўринлари яратилиб, айниқса ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланмоқда. Шунингдек, кўплаб кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқаришга янги техника ҳамда технологияларни жорий этиш орқали ички бозор рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи товарлар билан таъминланмоқда.

Ўтган йилда фаолият бошлаган «Хорунбек сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай тадбиркорлик субъектлари сирасидан бўлиб, бугунги кунда ўз олдида кўйган мақсад ва вазифаларини бажариш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилапти.

— Юртимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл меннинг ҳам интилишларимни, дилмидаги эзгу ниятларимни рўйбга чикарди, — дейди корхона раҳбари Дилрабо Содиқова. — Бир неча йил хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиб, бозорни

ўргандим. 2008 йилда эса кичик корхона ташкил этиб бир неча хотин-қизларга ишчи ўринлари очишга муваффақ бўлдим. Шунингдек, бунинг учун кичик цехимиз Таиланддан келтирилган бичув ҳамда тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Ҳозирда эса буюртмалар асосида кийим-кечаклар тайёрлаймиз. Шунингдек, мижозларга намунали хизматни ҳам ташкил этганмиз. Бозорни ва харидор талабини ўрганиб, кийим-кечакларнинг замонавий дизайни устида тинмай иш олиб бораёмиз. Бу албатта, буюртмаларимиз кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, кейинги йилларда тадбиркорлар учун катта имкониятлар мавжуд, кўплаб имтиёз ва ҳуқуқий ҲИМОЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАМИЗ. Бундан оқилона фойдаланиб, қонун доирасида фаолиятни ривожлантириш лозим, деб ўйлайман.

Ўтган қисқа давр мобайнида тадбиркорлар кўплаб фирма, қаҳвахона, коллеж ҳамда лицейларнинг буюртмаларини му-

ваффақиятли адо этишди. Шунинг баробарида эркаклар ва аёллар учун либосларнинг янги моделлари ҳам яратилди. Махсулот тайёрлашда маҳаллий ҳамда хорижий хом ашёлардан унумли фойдаланилмоқда. Айниқса, корхонанинг Азиза Ғозиева, Гавхар Туронова, Феруза Нигматуллаева, Нафосат Абдураимова сингари чеварлари буюртмаларни тайёрлашда сифатга ва тезкорликка асосий эътиборни қаратишади.

Корхона тадбиркорлари буюртмаларни янада кўпайтириш асносида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жорий йил охирига аёлларни иш билан таъминлашни режа қўйишган. Шунингдек, замонавий тикув дастгоҳлари келтириш ҳам кўзда тутилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА корхона чеварлари олган оқиятидан лавҳалар.  
**Ҳакимжон Солихов** олган суратлар



**Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз янги қиёфа касб этиб, уларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, мейморий ёдгорликлар таъмирланди ва кўплаб замонавий янги иншоотлар барпо этилди. Шарқнинг маърифат бешикларини сифатида доврўз қозонган ушбу шаҳарларнинг қутлуғ тўйларини халқро микёсда нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан айна вақтда пойтахтимиз юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.**

ЎЗА мухбирлари хорижий давлатларнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган элчиларининг Тошкент ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

## ЭЛЧИЛАР — ТОШКЕНТ ҲАҚИДА



**Иозеф МАЧИШАК, Словакия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистонга илк марта 1995 йили келган эдим. Бир неча йиллик танаффусдан кейин иш юзасидан яна бу ерга келдим. Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарганидан хайратландим. Бу гўзал диёрда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилибди. Пойтахтининг кун сайин кўркамлашмоқда. Миллий ва замонавий усулларни ўзда муассасам этган бино ва иншоотлар тобора кўпаймоқда. Бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай кишини мафтун этади.

**Султон ПИРМУҲАМЕДОВ, Туркменистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистондаги ўн тўрт йиллик фаолиятим давомида халқ фаровонлигини ошириш йўлида улкан ишлар амалга оширилганга гувоҳ бўлиб келяман. Тошкент йил сайин ўзгариб бораётди. Мамлакатингизда қисқа давр ичида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жаҳоннинг энг йирик маданият ва маърифат марказларидан бири бўлиши ушбу муаззам шаҳар ўз мейморий обидалари, буюк алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст одамлари билан барчани ҳай-

ратга солиб келади. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида халқингиз барча соҳаларда, айниқса, иқтисодий соҳада кенг қамровли, изчил ислохотларни амалга оширмоқда, улкан натижаларга эришмоқда. Бундай тараққиётлар ва оқилона сиёсат келажақда янада кўплаб самаралар беришига ишончим комил.

Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи нафақат Ўзбекистон, балки Ўзбекистонга дўст бошқа мамлакатлар учун ҳам байрамдир. Шаҳар юбилейи тарих зарварларида янги саҳифа очади.

**Игорс АПОКИНС, Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:**

— Мамлакатингизда Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўриляётганининг гувоҳи бўлиб турибман. Юртингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш ҳамда маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадимжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга ошириляётган кенг кўламли ишлар диққатга сазовордир.

Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири сифатида жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборида. Бунда қадим ва навқирон шаҳарларингизнинг алоҳида ўрни бор. Тошкент ана шундай мафтункор шаҳарлардандир. Пойтахтингизнинг тўйига бағишлаб ўтказилган кенг кўламли ишлар бу гўзал шаҳар-

нинг кўрқига кўрк, чиройига чирой кўшишига ишонаман.

**Константин АЛЕКСА, Руминиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:**

— Тошкентнинг бундай улғи ёши нишонлаши диққатга сазовордир. Пойтахтингизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўркамлашиб бораётди. Тилларда достон қадимий Тошкент, ҳақиқатдан ҳам кишини хайратга салади. Шарқ ва Ғарб ўртасида мустақам робита вазифасини ўтайдиган мейморий обидалар, муқаддас қадимжоларга бой азим шаҳар ҳар қандай кишини хайратга солиши, шубҳасиз.

**Ричард НОРЛАНД, АКШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:**

— Тошкентнинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлганман. Менга шаҳардаги тарихий обидалар, музей ва галереялар жуда ёқди. Спортга қизиққанам боис Тошкентдаги қатор спорт мажмуаларида ҳам бўлдим. Шунингдек, муқаддас таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Юртингизда кўплаб спорт иншоотлари қайта таъмирланаётгани, янги мажмуалар барпо этиляётгани ва замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

ЎЗА мухбирлари **Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА** эзи олди

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**2 апрель кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Б.Юсупов тақдим этди. Мазкур қўнун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилганлиги ва унинг айрим нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати муносабати билан, шунингдек, ушбу соҳада мамлакатимизда тўпланган иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Қўнун лойиҳасида номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва қайта тиклаш чоралари тўғрисида янги қоидалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида курсантларнинг битирув маросими бўлиб ўтди. Тадбир сўнгида олий курс битирувчиларига дипломлар топширилди.

● Бухорода Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда ташкил этган «Шахс ва жамият» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг вилоятларда ўтказилган босқичлари голиблари «Шахс ва жамият» фани бўйича олган назарий билимларини синовдан ўтказиб, нутқ ва муомала маданияти борасида маҳоратларини намойиш этдилар.

● Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида профилактика хизмати билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Уйчи туманидаги «Ғайрат» маҳалласида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлган гузар мажмуаси фойдаланишга тақдирланди. Қишлоқ тадбиркори Исламхон Аҳмаджонов томонидан барпо этилган мазкур мажмуада дорихона, минимаркет, устахоналар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

● Чимбой туманида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган халқ театрлари, драма тўғараклари ва кўғирчоқ театрларининг анъанавий фестивали ўтказилди.

● Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида «Kalorima Teks» акциядорлик жамияти иш бошлади. Мазкур корхона пахта толасидан трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда замонавий технология асосида иш юритилиши махсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Тайёрланаётган махсулотнинг 80 фоиздан ортиги экспортга мўлжалланган. Янги корхонанинг ишга туширилиши билан 600 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

● Республика Юристар малакасини ошириш марказида ташкил этилган давра суҳбатиде инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳақида сўз борди.

● Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга бағишлаб тиббиёт коллежлари талаба-қизлари ўртасида волейбол ва стол тенниси бўйича иккинчи анъанавий «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди.

### ЖАҲОНДА

● Лондонда ўтказилган саммитда «Катта йигирматалик»ка аъзо мамлакатлар 2010 йилга қадар иқтисодий соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш учун 5 триллион доллар микдоридеги маблағ сарфлаш тўғрисида келишиб олдилар.

● Франциянинг Страсбург шаҳрида бугун НАТОнинг 60 йиллигига бағишланган юбилей саммити бошланди. Унда жаҳондаги 28 та етакчи давлатларнинг раҳбарлари қатнашмоқда. Кеча саммит олдида глобализмга қарши кишилар томонидан норозилик намойиши ўтказилди. Полиция билан тўқнашувлардан сўнг намойишчилардан 100 га яқини ҳибсга олинди.

● Қирғизистон Президенти К.Бакиев мамлакат парламентининг 6 мартда чиқарган АҚШнинг Қирғизистондаги «Манас» ҳарбий базасини ёпиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватловчи ҳужжатга имзо чеқди.

● Россия ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича музокараларнинг навбатдаги босқичи Москвада бўлиб ўтади.

● Эрон ва Венесуэла жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши ҳамкорликда курашиш юзасидан келишиб олишди.

● Мексика Халқаро валюта жамғармасидан 47 миллиард долларлик барқарор кредит линиясини сўради.

● КХДР сунъий йўлдошни коинотга олиб чиқадиган уч босқичли ракетага ёнилги қуйиш ишларини бошлади.

● Агарда КХДР ўзининг баллистик ракетасини учирадиган бўлса, АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилишини билдирди.

● Швециянинг Electrolux компанияси Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарувчи корхонасини ёпишга қарор қилди. Компания мазкур мамлакат бозоридеги рақобатга дош бера олмагани боис шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

● Кеча Сомали Хавфсизлик қучлари отишмалардан сўнг «ноконуний тарзда балиқ овлашда гумон қилинаётган иккита грек кемасини қўлга олди.

● Москва шаҳрида 11 апрелда бўлиб ўтадиган «Тангалар ва медаллар» номли 56-кимомши савдосига шох Пётр I даврига оид жуда ноёб танга қўйилмоқда. 1702 йилда зарб этилган мазкур танганинг бошланғич нархи 2,2 миллион рубл этиб белгиланган.




Дам олиш соатларида

Оилада фарзанд тарбияси
ТАРБИЯДА КЕЧИКИШ ҲАМ,
УЗИЛИШЛАР ҲАМ МУМКИН
ЭМАС!

— Дадаси, ўглингизни уришиб қўйинг, боғча опасининг айтганини қилмаётганимиш...
— Ха, энди, бола-да, ҳозир ниманиям тушунарди: каттароқ бўлсин — ақли кириб қолади...
Эки бўлмаса:
— Ота ўғил-да, бола деган шўх бўлсин!
Эки нари борса:
— Майли, ўзим гаплашиб қўяман, қўлим бўшасин...
Яна шундай суҳбатнинг шохиди бўлишимиз мумкин:
— Ўглингизни ҳеч дарс тайёрлашга кўндирилмайман, бир уришиб қўйинг, дадаси!
— Болани тарбиялаш сенинг вазифанг, ўзинг эплагин...

Албатта, ҳожати бор!
Ахир, аввало, мурғакни йўргаклашни тузукроқ билмаган она ундан мурғакброқ амалларни — чақалоқни вақтида эмизиш, вақтида тагликлари алмаштириш, гўдакни иссиқ-совуқдан асраш каби ўнлаб вазифаларини яхшилаб удралай олармикин? Шунинг учун ҳам бу вазифаларнинг биринчи фарзанд кўрган келинлари, қизлари, набираларига бор тажрибаларини кўниб ўргатишга ҳаракат қилишмай-дими?!



Хабарлар, янгиликлар

Афсонавий изқуварга бағишланади

Артур Конан Дойл мероси жамғармаси машҳур афсонавий изқувар Шерлок Холмс ёшлиги ҳақида китоблар туркумини чоп эттиришни эълон қилган. Изқуварнинг ёшлиги ҳақида ҳикоя қилувчи китобларнинг биринчи муҳаббати сирларини очиб беради, бундан ташқари китобхон жиноятларни очибди унга ёрдам берган ўзининг машҳур детектив усулини қандай эгаллаганини билиб олади.
Қисса Холмсининг 14 ёшдан то университетга кириб ўқишгача ҳаётини қамраб олади. Китоблар туркуми Конан Дойл персонажининг ашаддий муҳлиси ёзувчи Эндрю Лейн томонидан яратилди. Лейн Шерлок Холмс тўғрисидаги асарлар нашрининг юздан ортқ ноб нусхаларини тўплаган.
«The Colossal Schemes of Baron Maupertuis» номи билан аталган биринчи қисса 2010 йили босмадан чиқиши керак. Унда ўсири Холмсини қариндошлариникига Суррей графлигига жўнатишади. Айни шу кезлари унинг ҳарбий бўлган отаси қутилмаганда Ҳиндистонга хизмат сафарига юборилади. Ёш йигитча бир қатор қотилликларни очиб бериши керак.
Китоблар туркуми Холмсининг доктор Watson билан танишиши билан ниҳоясига етади. Мазкур китобларни Macmillan Children's Books нашриёти чоп этади.

Гиннес рекордлар китобининг янги соҳиби

Bloomberg агентлигининг маълум қилишича, канадалик миллиардер Жим Петтисон (Jim Pattison) 2008 йили Британиянинг HIT Entertainment компаниясидан «Гиннес рекордлар китоби» ни нашр этиш ҳуқуқини сотиб олган. Бизнесмен Ripley Entertainment компанияси орқали Believe It Or Not музейлар тармоғига эга бўлиб, уларда ҳар турли хил галат ва нодир нарсалар тўпланган.
Савдо битими 60 миллион фунт стерлинг (ўша вақтдаги нархларда тахминан 120 миллион доллар)га тенг бўлган, деб ёзади The Guardian газетаси. Газетанинг хабарига кўра, рекордлар китобини харид қилишга канадалик миллиардердан ташқари яна уч даввогар бўлган.
2001 йилгача китобни чоп этиш ҳуқуқига Diageo алкоғолли ичимликлар концерни эгалик қилган ва «Гиннес» пивосини ишлаб чиқарувчилар шу концерн таркибига кирган. Кейин ноширлик ҳуқуқи телевизион дастурлар ишлаб чиқарувчи Gullane Entertainment компаниясига 90 миллион долларга сотиб юборилган. Мазкур компания 2002 йили HIT Entertainment томонидан «Ютиб юборилган».

Рубик кубиги ихтироқиси янги бошқотирмани яратган

Ўтган асрнинг 80-йилларида мислсиз оммавийлик касб этган Рубик кубигини ихтиро қилган венгриялик профессор Эрно Рубик жамоатчилигини яна бир бор ҳайратга солишга аҳд қилиб, янги бошқотирмани яратди. Экспертлар фикрига кўра, профессорнинг янги ихтироси ҳақиқатан ҳам ўша кубикдек мислсиз муваффақият қозониши мумкин, дея хабар қилади The Daily Mail.
Узоқ йиллардан бери ҳозирда гўшанишлиқда яшаётган профессор Рубик ихтиро қилган кубикнинг ашаддий ишқибозлари машҳур бошқотирмани ечиш йўллари устида тинмай изланиб келишарди. Кубикни йиғиш бўйича энг сўнгги рекорд голландиялик ўсири Эрик Аккерсдийкка тегишли бўлиб, 7,08 сонияга тенг. Стандартли Рубик кубигини жами бўлиб, 43 миллиард комбинацияда йиғиш имконини беради.
Афтидан, шу йиллар мобайнида профессор ҳам тинимсиз изланишда бўлган ва у бу сафар янада ноброқ, жозибадорроқ ва мурғакброқ бошқотирмани яратиш устида ишлаб келган кўринади. Янги бошқотирма ичида диаметри ўзидан кичикроқ иккита шаффоф шарчалар айланиб турадиган шаффоф шардан иборат. Бошқотирма яқинда расман жамоатчилик кўригига тақдим этилди.
Буюк Британия ҳудудига Рубик кубигини ишлаб чиқариш ҳуқуқининг эгаси Дэвид Хэдди Жонс, унинг фикрича, профессорнинг янги ихтироси худди кубикка ўхшаш узоқ йиллар давомида улкан оммавийликка эга бўлишини баён қилган. Янги бошқотирма Буюк Британияда шу йилнинг августида савдода пайдо бўлиши кутулади.

Суҳбат тиббиёт фанлари номзоди Мухаммад Миршариповдан ёзиб олинди.

Тўғри овқатланиш киши организми саломатлигини сақлаб туришда жуда муҳим роль ўйнайди, дейди шифокор, ҳатто узоқ йил умр кўришимизга сабаб ҳам бўлади. Саломатлигиниз аъло бўлишининг қадрли фақат сифатли овқатланишнинг ўзидан иборат эмаслиги табиий. Лекин уни назар-писанд қилмаслик ҳам мумкин эмас. У ёки бу хил овқатларнинг афзалликлари ёки кўсурлари ҳақида эмас, балки таомларни қачон ва қандай истеъмол қилишимиз ҳақида фикр юритамиз.


Парафин қатлами мевалик мазаси ва кўринишини яхши сақлайди. Лекин нефтини қайта ишлаш маҳсулоти сифатида организм томонидан ҳазм қилинмайди ва боз устига захарли ҳисобланади.
Синтетик озиқ-ов-

«Тошкент оқшомлари» саломатлик хизмати
УЗОҚ ЯШАШ СИРЛАРИ:
ОВҚАТЛАНИШДА НИМАЛАРГА
ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

қат қўшимчалари. Анча вақтга бизга уларнинг зарарсизлигини таъкидлаб келишган. Улар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, бугунги кунда «руҳсат этилган» консервантлар, маҳсулот мазасини меъёрлаштирувчи, кучайтирувчи қўшимчаларсиз нарсанинг ўзини топшишга баъзан қийналиб қоламиз. Ваҳоланки, олимлар ва тиббиёт мутахассислари баъзи касалликлар билан айрим синтетик қўшимча-

Тавсияларимиз: Таклиф этилаётган саволларга «ха» ёки «йўқ» деб жавоб беринг. Хар бир ижобий жавоб сизга бир балл беради.
1. Бошлаб қўйган ишингизни, хар қандай тўсиқларга қарамай, охирига етказасизми?
2. Қабул қилган қарорингизда қатъий тура оласизми ёки сизни ақсига кўндириш осонми?
3. Маъсулиятни ўз зиммангизга олиш, раҳбарлик қилишни яхши кўрасизми?
4. Хамкасларингиз ҳўрмати ва ишончига сазовор бўлганмисиз?
5. Соғломмисиз?
6. Натияжси дарҳол сезилмаганига қарамай, тонгингизга улаб ишлашга тайёرمىсиз?
7. Одамлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан ишлашни ёқтирасизми?
8. Танлаган йўлингиз тўғрилигига бошқаларни ҳам ишонтиришни удралай оласизми?
9. Ўзгаларнинг гоё ва фикрларини тинглаб, уларни тушуна ола-

сини олинг. Биз еган нарсаларнинг хаммаси бизнинг танамизни ташкил этиши ёдингизда бўлсин ва танамизнинг ҳолати кўп жиҳатдан шу истеъмол қилган нарсаларимизга боғлиқ. Шоколадли батончалар ва ёққа қовурилган картошка япроқчалари нима бериши мумкинлигини



ўйлаб кўринг.
Оқ қанд-шакар ва ачитқи-турушлар. Саломатлигингизни ва таомлар ҳазмини яхшилаш мақсадига оқ қанд-шакар ва ундан тайёрланган жем, мураббо, конфетлар истеъмолини имкон қадар чеклаш ёки улар-

Тест синовлари
ТАДБИРКОР БЎЛА
ОПАСИСИМИ?
15. Ижарага олишингиз мумкин бўлган бинони мўлжаллаб қўйганмисиз?
16. Ўз корхонангизни фаолиятингизнинг илк йили мобайнида қўллаб туриш учун етарли маблағингиз мавжудми?
17. Ўзингиз ташкил этаётган корхонани молиялаштиришга қариндошларингиз ва танишларингиз торттиш имкониятингиз мумкинми?
18. Сизга керак бўладиган материалларни етказиб бериб туривчиларни кўз остига олиб қўйганмисиз?
19. Сизда етишмайдиган тажриба ва билимларга эга бўлган мутахассисларни мўлжаллаб қўйганмисиз?

дан бутунлай воз кечиб айни мўддао бўларди. Шунингдек, олий навли ун ва ичакларда ачиш жараёнини кўзгайдиган турушли маҳсулотларни ҳам чеклаш керак.
Аралашмалардан тозаланган — яъни оқланган қанд ва шакарни асал билан, «сарик» шакар, қиём



билан алмаштириш мумкин. Хамиртурушда оширилган нон ўрнига турушмаси лаваш (қатирма) ёки ачитилган хмель билан оширилган хамирдан қилинган нон фойдалирок. Нонни қотириб ейилса, афзалроқ бўлади.
Туз. Биз унга шу қадар кўникиб кетганмизки, унинг фойда ёки зарари хаёлимизга ҳам келмайди. Туз формуласини

ҳаракати билан бизни уялтириб қўйганда ўйланиб қоламиз: нега шундай бўлди? Қаерда хатога йўл қўйдим? Мактабда шундай бўлиб қолгани ёки «кўча болаларининг таъсири»га тушиб қолганими?
Аммо бундай пайтларда айбдорни ташқаридан эмас, аввало ўзимиздан излашимиз керак. Аждодларимизнинг бола тарбиясида бутун дунёга ўрнак бўладиган анъаналари бор. Қолаверса, жамиятимиз турмуш тарзи, ҳаётимиз сабақлари бизга фарзанд тарбиясида кўп нарсани ўргатиши мумкин. Фақат уларга ўз вақтида кулоқ тутиш, ўзимиз орзу қилган ворисларни, жамиятимизга муносиб инсонларни тарбиялаб вояга етказиш фойда мураккаб, узоқ ва доимий, изчил, пухта ўйланган режа асосида амалга оширадиган маъсулиятли вазифа эканини вақтида фахмлаш керак бўлади.
Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мазкур саҳифамизда фарзанд тарбиясининг турли қирралари ҳисобига доимий ҳикоя қилиб боришга аҳд қилдик. Марҳамат қилиб, «Файзли оқшомлар» жума саҳифаларимизни кузатиб бориңг.

Саид ВАЛИ

20. Шахсий корхонага эга бўлиш асосий орзуингиз эканига ишончингиз қатъийми?
Натияжа.
17 ва ундан ортқ балл. Тадбиркор бўлиш учун керакли барча фазилатларга эгасиз. Сизнинг мақсадга интилувчанлигингиз, гайрат ва қатъийатингиз хар қандай муҳим гоёни рўёбга чиқаришингизга ёрдам беради — фақат ўйланган гоёнгиз шунга муносиб бўлса бас.
13 — 17 балл. Тадбиркор сифатида муваффақият қозонишингиз учун имкониятларингиз ярқ этиб кўзга ташланаётгани йўқ. Бирок, сиз омадди ишбилармон, тижоратчи-савдогар бўлишингиз мумкин.
13 дан камроқ балл. Сиздан яхши тадбиркор чиқиши қийин. Кўпроқ тажриба орттиришга ҳаракат қилинғ ва эркин тадбиркор йўлига киришдан олдин яна бир бор ўз имкониятларингиз, манфатларингиз, хоҳиш-истакларингизни чамалаб кўринг.

Тиббиёт фани янгиликлари
ТОВУҚ ТУХУМИ ФЙДАЛИ

Овқатда товуқ тухумидан фойдаланиш қондаги холестерин миқдорига бирон-бир даражада таъсир кўрсатмайди ва шунинг учун уни истаган миқдорда тановул қилиш мумкин. Буюк Британиядаги Суррей университети олимлар жамоасининг қатъий ҳулосаси шундай.
Британиялик мутахассислар бир қанча тадқиқотлар натияжаларини таҳлил этишди ва ҳафтасига учтадан ортқ тухум истеъмол қилиш мумкин эмас, деган фикр хато эканини аниқлашди. Соғлом ва мувозанатлаштирилган овқатланишнинг муҳим қисми бўлган тухумларга қараганда, тўйинган ёшлар инсон саломатлигига кўпроқ зарар келтиради.
Гипертонияси бор (қон босими ошган) кишилар туздан воз кечиб улар саломатлигини анча яхшилашнинг билишади. Шундай бўла туриб, нега биз уни хамма нарсасида ишлатамиз? Сабаби битта — бу омад бўлиб қолган. Туздан тўла воз кечгандан кейин икки-уч ҳафта ўтар-ўтмас тилининг мазани ҳис қилиш рецепторлари тикланиб, одам маҳсулотларнинг ҳақиқий мазасини тушуна бошлайди.
Мабодо, туздан бирданга бутунлай воз кечшдан кўрсангиз, пишириш вақтида овқатга туз солманг ва дастурхонга тортилгандан кейин тузини ростлашга одатланг. Бундай қилганингизда ишлатган тузнинг миқдори камроқ бўлиб чиқади.

Вакцинациялашнинг янги тури

Америка олимлари вакцинациялашнинг янги технологиясини яратганликларини маълум қилишди. Мутахассислар инъекция (иғча санчиш) йўли билан эмас, балки «оғиз орқали тангага киритиладиган вакцина (зардобини) яратишган. Вакцина югуртга ўхшайди ва катик маҳсулотлари тайёрлашда қўлланиладиган пробиотиклар унга асос бўлган.
Фойдали бактериялар ичкача етиб боришлари билан вакцина ишлаб чиқариши бошлайди ва иммунитетни оширишга ёрдам беради. Олимларнинг таъкидлашларича, вакцинанинг бундай тури бир қатор афзалликларга эга бўлиб, ҳатто баъзи жиҳатлари бўйича самаралироқ ҳамдир.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Оз-оз ўртаниб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ШАЙХ ФАРИДИДДИН АТТОР ХИКМАТЛАРИ

Мард эмас ул этмас эрса жон фидо.

Гавҳари йўқ эрга оламда не бор?

Рашк, ҳасад ўтдирки, ёнгайдир му- дом.

Жондин истарса, бўлур анқога ёр, Кимки кечгай жонидин мардонавор.

Заррача йўқ сенда зарру сабру тоб, Қайда сенга васли ганжи офтоб?

Фарқ бўлурсен қатрайи шабнамда хор, Бас, нетиб денгиз тиларсен беқанор?

Бизда мавжуд эрса гар нисбат анга, Кўнглимизда кўзгалур рағбат анга.

Бузуқ дилларга ишқдин не самар?

Ишқ ила кўнгли бузуқлик мос эмас.

Дил — ойинаси дийдори дўст.

Топилмас ҳеч дили гумроҳга йўл.

Соядин кечгил, асл рози излагил.

Соя офтобда йўқолгайдир тамом.

Ел бўлиб, чақмоқ бўлиб манзилга ет.

Ўртада пинҳона йўллар оз эмас, Жон аро чун рози диллар оз эмас.

Сир тутармен рози пинҳоним менинг, Унга ҳамдамдир мудом жоним менинг.

Дард керак ошиққа чун ёндиргучи, Гоҳ ёкиб ўтлар, гаҳи сўндиргучи.

Заррайи ишқ барча офоқдин азиз, Заррайи дард барча ушоқдин азиз.

Ишқ — мағзи коинот эрмиш мудом, Ишқки бедард эрса, ноқисдир та- мом.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

БОҒДА ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАР

ШУ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ЖУМЛАДАН ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИДА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ, ҚУВНОҚ ТОМОШАЛАР, ЭСТРАДА ХОНАНДАЛАРИ ВА ТУМАН МАДАНИЯТ УЙИ БАДИЙ ХАВАСКОРЛАРИ ЎЗЛАРИНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ ТОМОШАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШМОҚДА.

Улар орасида вилоятлардан ташриф буорган санъаткорлар ҳам бор. Жумладан, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида хоразмлик эртаки драматург, кўғир-чоқбоз уста Мансурбек Курёзовнинг «Хива кўғирчоқлари» кўргазмаси намойиш этилди ва бир гуруҳ хоразмлик ёш эстрада артистлари иштирокида қизиқарли концерт дастури уюштирилди. Иқтидорли актёр Мансурбек Курёзовнинг театрлаштирилган томошалари кўпчилик йиғилганларга манзур бўлди. Дам олувчилар қувноқ куй-кўшиқлар, шўх рақсларни томоша қилиб ўзлари ҳам ўйин-кулгилларда фаол иштирок этдилар.

Раҳматхон АКМАЛОВ. СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар



«ЗИЛОЛ»НИНГ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУРЛАРИ

90 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА 2-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА «ЗИЛОЛ» ФОЛЬКЛОР ЖАМОАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. БУ ЖАМОА ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ҚАДИМГИ УРФ-ОДАТЛАР, МИЛЛИЙ ҚЎШИҚ ВА РАҚСЛАРНИ ЎРГАНИБ, ИЖРО ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Хар йили ўтказиб келина- ётган «Барҳайт анъаналар» номли кўрик-танловда ҳам жамоа ўзининг дастурлари билан доимий тарзда қатна- шади. 2008 йилги танловда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 1-ўринга сазовор бўлди. «Маҳалла куйи» муно- сабати билан ўтказилган «Алла» кўрик-танловида «Зи- лол» фольклор жамоаси Шай- хонтоҳур туманидан қатнашиб, олий ўринни эгаллади.

Янги дастур билан Респу- блика Уруш ва меҳнат фах- рийлари пансионатида «Наврўз — миллий қадрият- лар байрами» мавзусида очик маънавият соати ўтказилди. Қарияларга жамоа қизлари ижро этган қадимги ашула- лар, ёр-ёр, келин салом, ўлан ва лапарлар жуда ёқди.

Жамоада иштирок этувчи ўқувчилар фольклор санъати сирларини ўрганиш жараё- нида Тошкент Давлат мада- ният институти профессори Саодат опа Йулдошевдан кўп нарсалар ўргандилар. Академик Юнус Ражабий уй- музейга бориб, қадимги созлар, бошқа тарихий ман- балар ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Коллеж маъмури- яти жамоанинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш- да жуда катта ёрдам бермоқ- да.

(Ўз муҳбиримиз)



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ» КАФЕДРАСИ ҲАМДА АНГИЙЎЛ ШАҲАР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ЖАМОАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА «НАВРЎЗ ВА ҚАДРИЯТЛАР» МАВЗУИДА АНЪАНАВИЙ АДАБИЙ-БАДИЙ, МУСИҚАЛИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Олий ўқув юртларида

НАВРЎЗ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Кечанинги мусиқа садолари остида ўтган бадий қисми Наврўз билан боғлиқ анъана- лар, миллий қадриятларимизни ўзида акс эт- тирган никоҳ туйи билан боғлиқ урф-одат- лар, тўй жараёни, келин салом, оиланинг фарзандли бўлиши, чақалокчи бешикка бе- лаш, алла (айниқса хоразмча рақс, хоразмча алла) каби саҳна кўринишлари, талаба-қиз- лар ва йигитлар томонидан ижро этилган ашу- ла ва жозибали рақслар билан уйғунашиб кетди.

Йилги адабий-бадий кечада ижро этилган саҳ- на кўринишлари, ашула ва рақсларда классик адабиётимиздан, ўзбек халқ куйларидан, аср- лардан асарларга ўтиб келаётган урф-одатла- римиздан кенгроқ фойдаланилганлиги, улар- нинг янги кирралари тадбир дастурига қири- тилганлиги, санъат сирларига эътибор, мил- лийлиги тадбирнинг таъсир доирасини, тар- бивий аҳамиятини янада оширди.

Кечада Ангийўл шаҳар академик лицейи, шаҳар маданият коллежи ва Тошкент Давлат техника университети талаба-ёшларининг санъатдаги муваффақиятлари таъкидланди. Бу

Шунингдек, тадбир доирасида уюштирилган Наврўз билан боғлиқ мавзулардаги китоблар, санъат асарлари акс этган журналлар кўргазмаси бадий кеча руҳияти билан уйғун- лашиб унинг мазмунини янада кенгайтирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Мусобақалар

БАҲОР МАЛИКАЛАРИ—2009

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШЛАРИНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ- ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. АЙНИҚСА ҚИЗЛАРИ СПОРТГА ЯНАДА КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Яқинда Болалар спортни ривожлантириш жамғар- масининг Тошкент шаҳар филиали томонидан «Баҳор маликалари—2009» широи остида ўтказилган, 160 на- фардан кўпроқ қизлар иш- тирок этган мусобақа ҳам ай- нан юқоридаги мақсадларни кўлаб ташкил этилгани бил- ан эътиборга моликдир. Ав- вало ушбу мусобақа спорт- чи қизлар ўртасида туман- лараро ўтказилиб голиб- ликни қўлга киритганлар шаҳар босқичида беллашди- лар. Юқори савияда ўтказил- ган, иштирокчиларга гоьтада манзур бўлган ушбу мусо- бақа қатнашчилари спорт- нинг узунликка сакраш, тен- нис тўпини улоқтириш, ба-

ландликка сакраш буйича маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Бектемир туманида жой- лашган «Бектемир» болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган ушбу мусобақада би- ринчи ўринни Юнусобод ту- мани ўқувчи- қизлари қўлга ки- ритишди. Иккинчи ўринга Уч- тепа тумани, учинчи ўринга эса Мирзо Улуғбек тумани қатнашчилари сазовор бўлишди. Фолиблар Болалар спортни ривожлантириш жамғармасининг Тошкент ша- ҳар филиали томонидан аж- ратилган спорт анжонлари- дан иборат совғалар билан тақдирландилар.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар

Спорт янгиликлари

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

ШАҲРИМИЗДА САМБО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 500 нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақалар якунида рақибларидан кўра маҳоратлироқ бўлган Суннат Азимов, Юрий Пантелеев, Анвар Аҳмедовлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ушбу мусобақалар июнь ойида пойтахтимизда самбо буйича ўтказиладиган Осиё чемпионати олдидан спортчи- ларимиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР — КРАСНОДАРДА

АЙНИ КУНЛАРДА РОССИЯНИНГ КРАСНОДАР ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТУРНИР СТАРТ ОЛДИ.

Россия ва Беларуссиянинг энг кучли жамоалари голиб- лик учун курашаётган турнирда мамлакатимиз шарафини «Пахтакор» жамоасининг ёш футболчилари ҳимоя қилиш- моқда.

Ушбу турнир голиблари номи 4 апрель куни маълум бўлади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА МАЪЛУМКИ, 24 СЕНТЯБРЬ—16 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ушбу нуфузли турнир йўлланмасини қўлга киритган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекис- тон ёшлар терма жамоаси пойтахтимизда ўқув-ийгин машғулотларида иштирок этди.

Шуниси эътиборлики, мамлакатимизнинг турли жамо- аларидан терма жамоага жалб этилган 26 футболчи ора- сида «Нефтчи»дан Шукур Жумабоев, «Насас»дан Арсен Тюленев, «Бунёдкор»дан Азиз Фуломхўжаев, «Машъал»- дан Файзулла Камбаров илк бор синовдан ўттишди. Айни кунларда Аҳмад Убайдуллаев шоғирдлари Австрияда ўқув- йинг машғулотларини ўтказишмоқда. Машғулотлар мо- байнида бир нечта ўртоқлик учрашувларини ўтказиш ре- жалаштирилган.

ҲИМОЯ ЧИЗИФИ ПАНД БЕРДИ АВСТРАЛИЯНИНГ СИДНЕЙ ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ IV БОСҚИЧ «А» ГРУҲИДАГИ АВСТРАЛИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БЕЛЛАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Аввалги учрашувда катарликларни 4:0 ҳисобида мағ- лубиятга учратиб муҳлисларни қувонтирган Миржалол Қосимов шоғирдларидан кўпчилик Сиднейда ҳам ижоб- ий натижани кутгани рўст гап.

Тан олиш керак, биринчи бўлим анча қизиқарли кеч- ди. Дарвозаларга гол киритиш имкониятига мезбон- лар ҳам, меҳмонлар ҳам эга бўлишди. Фарход Тожиев икки марта кулай вазиятга чиқди, аммо ҳужумни сама- рали яқунлай олмади. Очигини айтганда тўп билан му- омала қилиш, жамоадошига тўпни аниқ узатиш бора- сида австралияликлар бироз устунлик қилишди. Би- ринчи бўлимда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Иккинчи бўлим эса мезбонларнинг тўпни устун- лигида ўтди. 66-дақиқада Бришчано томонидан уза- тилган тўпни Кенеди боши билан дарвозага жойлаб қўйган бўлса, 73-дақиқада ўзбекистонликлар дарвоза- си томон белгиланган пенальтини Гарри Куел аниқ амалга оширди ва терма жамоасининг 2:0 ҳисобида галаба қозонишига муносиб ҳисса қўшди.

Хулоса ўрнида ҳимоя чизигидаги хатоликлар бу са- фар ҳам ҳамюртларимизга панд берганигини, ушбу камчиликларни тузатиб Япония ва Баҳрайн терма жа- моалари билан уюштирилаётган учрашувларда гала- ба қозонишимиз шарт эканлигини таъкидлашни ло- зим топдик.

(Ўз муҳбиримиз)

ҲИНДИСТОНДАН БЕШ МЕДАЛЬ

ҲИНДИСТОНДА БОКС БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ОСИЁНИНГ САККИЗТА МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАСИ ҲАМ БИР ВАЗН ТОИФАСИДА ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШИДИ.

Мазкур мусобақада мамлакатимиз шарафини асо- сан ёшлардан таркиб топган терма жамоамиз ҳимоя қилганига қарамай, боксчиларимиз битта олтин, ик- кита кумуш ва шунча бронза, жами бешта медални қўлга киритди. 75 килограмм вазн тоифасида ринг- га чиққан иқтидорли спортчимиз Фарруҳ Қиличев фи- нал учрашувида мезбонлар вакили Кулдиш Пун би- лан беллашди. Кескин ва мurosасиз ўтган баҳсда рақибдан устунлигини исботлаган ҳамюртчимиз 10:8 ҳисобида галаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди.

Халқаро турнирнинг финалига йўлланма олган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Орзубек Шойимов ҳамда Камолддин Аҳмедов ҳал қилувчи беллашувда рақибларига имкониятини бой бериб, ку- муш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, ярим финалга етиб келган Аҳрор Муралимов ва Алишер Маҳмудовга бронза медаль топширилди.

Бохир БЕК.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-306

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ётлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3824 нусхада босилди. Қоғоз битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6